

МУРОЖААТЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШДА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР

Салимов Шерзод Хусанович

Жанговар ва жисмоний тайёргарлик кафедраси катта ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7568514>

Аннотация. Мақолада мурожаатларга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ички ишлар органларининг энг қуйи бўғинидан республика даражасигача самарали фаолиятини йўлга қўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ҳамда осойишталигини таъминлашда янги механизмлари ҳақида баён этилган.

Таянч сўзлар. норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситаларининг роли, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар, қонунийликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши кураш

Ўзбекистон Республикасида шахснинг ҳаёти, шаъни ва қадр-қиммати, дахлсиз ҳуқуқлари энг олий қадрият сифатида эътироф этилиб, инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида улкан ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, сўнгги йилларда мурожаатларга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, мурожаатларнинг турлари, шакллари ва таснифи, бу борада янгича иш тизимини яратиш масаласи ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари асосий вазифаларига айланган. Жумладан ички ишлар органлари (ИИО) томонидан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида улар томонидан берилган ариза ва шикоятларни ўз вақтида кўриб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу борада, мурожаатларга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, мурожаатларнинг турлари, шакллари ва таснифининг яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органларининг энг қуйи бўғинидан республика даражасигача самарали фаолиятини йўлга қўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ҳамда осойишталигини таъминлашда ИИОри фаолиятини самарали ташкил этишнинг янги механизмлари жорий этилди. Жумладан, ҳар бир маҳалла, оила ва шахс кесимида жиноятчиликнинг сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишга оид муаммоларни бевосита жойларнинг ўзида ҳал этиш, ҳудудларда жиноятчилик аҳволдан келиб чиқиб, ҳар бир туман, шаҳар ва маҳаллаларни тоифаларга ажратиш ҳамда ҳокимликлар, секторлар ва жамоатчилик билан ҳамкорликда “жиноят ўчоқлари”ни аниқлаш ҳамда бартараф этиш учун барча зарур куч ва воситаларни жалб қилиш, юқори буғиндан энг қуйи бўғин – маҳалла тизими асосида яхлит бошқарув ва узлуксиз назоратни амалга ошириш механизмларини жорий этиш, ички ишлар ва бошқа давлат органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги фаолиятини самарали мувофиқлаштириш орқали мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, ички ишлар органлари ходимларининг замонавий қиёфасини яратиш, уларнинг масъулияти ва касбий салоҳиятини ошириш, шунингдек,

жиноятчиликнинг янги кўринишларига қарши курашда зарур кўникмаларни шакллантириш ҳамда соҳани тўлиқ рақамлаштириш каби вазифалар белгиланди¹.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар доирасида аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш ҳамда жамиятимизда қонунга итоаткорлик ва жамоат хавфсизлиги маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги ишларни “Халқ манфаатларига хизмат қилиш” тамойили асосида ташкил этишнинг мутлақо янги механизм ва тартиб-тамойиллари жорий этилиб, давлат органларининг жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро мақсадли ҳамкорлиги йўлга қўйилди².

Шу билан бирга, жаҳонда кучайиб бораётган турли хавф-хатар ва зиддиятлар, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигига таҳдидлар, пандемия, табиий ва техноген офатлар масъул давлат тузилмаларига ўз фаолиятини “Барча саъй-ҳаракатлар инсон қадрини учун” деган устувор ғоя асосида янада такомиллаштириш вазифасини юклармоқда.

Республикаимизда 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида ўтган давр мобайнида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан ислоҳ этишга қаратилган 300 га яқин қонун, 4 мингдан зиёд Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари қабул қилинди³. Шунингдек, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, давлат органларининг ҳисобдорлиги ва очиқлигини кучайтириш ҳамда фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситаларининг роли, аҳоли ва жамоат бирлашмаларининг сиёсий фаоллигини ошириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди.

Фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва камбағалликни қисқартириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланиб, аҳолини янги иш ўринлари ва кафолатли даромад манбаи, малакали тиббий ва таълим хизматлари, муносиб яшаш шароитлари билан таъминлаш янги босқичга кўтарилди.

Иқтисодий эркинлаштириш ва бозор механизмларини кенг жорий қилиш тамойилларига асосланган ислохотларнинг янги босқичида давлатнинг иқтисодийдаги ролини камайтириш ва хусусий секторнинг иштирокини кенгайтириш бўйича навбатдаги ишларнинг натижадорлигини ошириш бугунги кунда иқтисодий бошқаришнинг аниқ, шаффоф ва натижага йўналтирилган механизмини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда⁴.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги ПФ-6196-сон “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони / қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 26.03.2021 й., 06/21/6196/0240-сон.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон “Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони / қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.12.2021 й., 06/21/27/1116-сон.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони / қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги ПФ-5975-сон “Иқтисодий ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони / Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 27.03.2020 й., 06/20/5975/0377-сон; 11.03.2021 й., 06/21/6186/0200-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 17.07.2021 й., 06/21/6263/0685-сон, 09.11.2021 й., 06/21/3/1037-сон

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ички ишлар органларининг фаолиятида мавжуд муаммо ва камчиликлар, жиноятчиликнинг олдини олиш борасида келгусидаги вазифаларга бағишланган видеоселектор ва Ҳайъат йиғилишларида шунингдек, Олий Мажлисга Мурожаатномаларида “Аҳолининг тинч ва осойишта ҳаёт кечирishi таъминлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, айрим ҳудудларда жиноятлар кўп содир этилаётганини ҳисобга олиб, уларни профилактика қилиш бўйича ҳудудий усулларни шакллантириш, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг оқибати билан курашиш эмас, балки барвақт олдини олиш, содир этишга имкон берган сабаб ва омилларни ўз вақтида бартараф этиш, жиноятчиликни маҳаллаларда жиловлаш лозим” деган фикрлари ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишда ички ишлар органлари ходимларидан масъулият ва жонбозлик кўрсатишни талаб этади.

Шундай қилиб, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ҳар бир ҳудудда жамоат тартибини сақлаш, ИИО томонидан мурожаатларга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, мурожаатларнинг турлари, шакллари ва таснифи ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича ҳудудлар тажрибалари жорий этилмоқда. Қорақалпоғистон Республикасида эса ички ишлар органлари, Миллий гвардия ва Мудофаа вазирлиги, кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда бир куч бўлиб 24 соат давомида тинмасдан хизматни ташкил қилиб жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга жалб қилиниши кабиларни мисол тариқасида келтириш мумкин.

Ҳозирда мамлакатимизда амалга оширилган суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар бевосита ички ишлар органларига ҳам тааллуқли бўлиб, жамиятда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳар қандай кўринишдаги тажовузлардан ҳимоя қилишнинг ишончли гаровига айлантириш бу борада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади қилиб белгиланди. Мазкур ислоҳотлардан кўзланган мақсад, ички ишлар органларининг маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини жинойий тажовузлардан муҳофаза қилиш асосий вазифаси этиб белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2021 йил 12 февраль куни маҳалла тизимини такомиллаштириш, маҳаллаларда тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг замонавий талаблари маҳаллалар томонидан амалга оширилаётган вазифаларнинг самарали ижросини таъминлаш учун тизимни такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Шунга кўра, маҳалланинг фуқаролар ҳаёти ва тақдиридаги улкан аҳамияти ортиб бормоқда. Айни пайтда маҳалла жамиятдаги ободлик ва фаровонлик, тинчлик ва барқарорлик, хавфсизлик ва тараққиёт, маънавий қомилликка жавоб берадиган, шунингдек тарғибот маркази бўлиши тақозо этилмоқда.

Бугунги кунда мурожаатларга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, мурожаатларнинг турлари, шакллари ва таснифи ўрганиш орқали маъмурий

худудларда ҳуқуқбузарликларни барвақт аниқлаш ва унинг олдини олишга қаратилган профилактик ишларни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “жиноятчиликка қарши курашда, биринчи навбатда, ижобий натижага эришган профилактика инспекторлари ва маҳалла фаолларини рағбатлантиришни кучайтириш зарур”⁵.

Бугунги кунда жиноятчиликни жиловлаш ва унга қарши кураш бўйича “Маҳаллабай”, “Оилабай”, “Фуқаробай” ишлаш тизимлари жорий этилиши натижасида ижтимоий жиҳатдан кўмакка муҳтож, кам таъминланган, ногиронлиги бўлган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, якка-ёлғиз кексалар, доимий ишсиз, карантин туфайли ишсиз қолган ҳамда оғир эпидемиологик худудлар ногиронлиги бўлган, ижтимоий дан қайтариб келинган фуқароларни аниқлаб уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги ПФ-6196-сон “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони / қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 26.03.2021 й., 06/21/6196/0240-сон.
2. 2020 йил 24 январдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси: www.uza.uz.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги ПФ-5975-сон “Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони /Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 27.03.2020 й., 06/20/5975/0377-сон; 11.03.2021 й., 06/21/6186/0200-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 17.07.2021 й., 06/21/6263/0685-сон, 09.11.2021 й., 06/21/3/1037-сон
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон “Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони / қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.12.2021 й., 06/21/27/1116-сон.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони / қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон.

⁵ 2020 йил 24 январдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси: www.uza.uz.